

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSC.27.06.2017.FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**АРИПОВ ШУХРАТ ТУЛКИНОВИЧ**

**ИККИНЧИ ТИП ҚАНДЛИ ДИАБЕТ КАСАЛЛИГИДА  
ҚЎЛЛАНАДИГАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИДАН ОҚИЛОНА  
ФЙДАЛАНИШГА ФАРМАКОИҚТИСОДИЙ ЁНДАШУВ**

**15.00.01 - дори технологияси ва фармацевтика ишларини ташкил этиш**

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2017**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Content of the abstract of doctor of philosophy dissertation (PhD)**

**Арипов Шухрат Тулкинович**

Иккинчи тип қандли диабет касаллигида қўлланадиган дори  
воситаларидан оқилона фойдаланишга фармакоиктисодий  
ёндашув..... 3

**Арипов Шухрат Тулкинович**

Фармакоэкономический подход к рациональному использованию  
лекарственных средств применяемых при сахарном диабете второго  
типа..... 19

**Aripov Shukhrat Tulkinovich**

Pharmacoeconomic approach to the rational use of medicinal medicines  
used in sugar diabetes of second type..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 39

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**АРИПОВ ШУХРАТ ТУЛКИНОВИЧ**

**ИККИНЧИ ТИП ҚАНДЛИ ДИАБЕТ КАСАЛЛИГИДА**  
**ҚЎЛЛАНАДИГАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИДАН ОҚИЛОНА**  
**Фойдаланишга Фармакоиктисодий Ёндашув**

**15.00.01 - дори технологияси ва фармацевтика ишларини ташкил этиш**

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2017**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Far1 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.pharmi.uz](http://www.pharmi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Зайнутдинов Хикматулла Суннатович**  
фармацевтика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Искандарова Шохиста Фехрузовна**  
фармацевтика фанлари доктори, доцент

**Насритдинова Мухтабар Азизовна**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Дори воситалари ва тиббий техника сифатини  
назорат қилиш бош бошқармаси**

Диссертация ҳимояси Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Far.32.01 рақамли Илмий кенгашнинг «\_\_\_»\_\_\_\_\_2017 й. соат \_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38, факс: (+99871) 256-45-04 e-mail:pharmi@pharmi.uz.)

Диссертацияси билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил:100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45 уй. Тел.: (+99871) 256-37-38)

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_\_»\_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2017 йил «\_\_\_»\_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Х.К. Джалилов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси фарм.ф.д., профессор

**Р.Т. Туляганов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби б.ф.д., доцент

**С.Н. Аминов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги Илмий семинар  
раиси к.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Қандли диабет касаллиги кенг тарқалган сурункали ҳасталик бўлиб, бутун дунё соғлиқни сақлаш тизимининг жиддий муаммосидан биридир. Бутун жаҳонда қандли диабет касаллигининг иккинчи типи билан оғриган беморлар сонининг тезлик билан ўсиши кузатилмоқда. «Касаллик ҳар йили тахминан 1,5 миллион беморнинг ҳаётига зомин бўлмоқда - бу ОИТС, диарея, сурункали юрак етишмовчилиги касалликларига қараганда кўпдир»<sup>1</sup>.

Мустақиллик йилларида халқимизнинг турмуш даражасини янада яхшилаш, бу борада айниқса қандли диабет касаллигини даволаш ва касалликни олдини олишга қаратилган бир қатор муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан, мазкур касалликка чалинган беморларни даволашда қўлланадиган дори воситаларини тўғри қўллаш ва касалликни даволашга сарфланадиган бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш ҳамда дори воситаларини маҳаллий фармацевтика корхоналари томонидан ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳозирги кунда биринчи даражали аҳамият касб этади.

Бугунги кунда иккинчи тип қандли диабет касаллигини таркибида метформин гидрохлорид сақлаган диабетга қарши перорал дори воситалари билан даволашга алоҳида эътибор берилмоқда. Айнан шунинг учун, касалликни даволаш ва олдини олишга қаратилган бир қатор муҳим вазифаларни амалга ошираётган бир вақтда, аҳолига мазкур биологик фаол субстанцияни сақлаган маҳаллий, арзон, ҳамёнбоп, самарали ва сифатли дори воситаларини етказиб бериш, улардан оқилона фойдаланишга йўналтирилган фармакоиктисодий таҳлилларни олиб бориш долзарб вазифалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги ПҚ-2773-сон «Дори воситаларини ва тиббиёт буюмларини сотиш, фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва 2016 йил 31 октябрдаги ПҚ-2647-сон «Аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистон Республикасида дори воситаларидан оқилона фойдаланиш ва фармакоиктисодий таҳлиллар ўтказишда Х.С.Зайнутдинов, Ш.З.Умарова, С.У.Алиев, Н.Д.Суюновларнинг илмий ишлари алоҳида ўрин тутмоқда.

<sup>1</sup>Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ахборот бюллетени. 2014/5.

Шу билан бир қаторда маҳаллий, табиий ва синтетик хомашёлар асосида қандли диабет касаллигини даволаш учун дори воситаларини яратиш бўйича С.Н.Аминов, А.А.Шабилалов, А.Н.Юнусхўжаев каби олимларнинг тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эгадир.

Дунё микёсида дори воситаларидан оқилона фойдаланиш ва фармакоиктисодий таҳлилларни амалга ошириш йўналишида илмий иш олиб борган: J. Stauffer, R. Ball, L. Benveniste, P. Montuschi, R. Smarta, E. Fenwick, J. Darba, E. Stolk, S. Garattini, P. Hall, L. Shi, A. Hisashige. Россия Федерациясида М.А.Пальцев, Р.И.Ягудина, М.И. Балаболкин, А.А. Свистунов, А.Ю. Куликов, Л.В. Недосугова, А.В. Рудаковалар томонидан қандли диабет касаллигини даволашда қўлланадиган дори воситаларининг истеъмол ҳолати кўрсаткичлари ва фармакоиктисодий таҳлиллари бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институтининг IV. «Ўзбекистонда қайд этилган дори воситалари ва тиббий буюмларларнинг маркетинг ва фармакоиктисодий таҳлили» илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** иккинчи тип қандли диабет касаллигини даволашда қўлланилаётган дори воситаларидан оқилона фойдаланиш самарадорлигини фармакоиктисодий баҳолаш ва ЎзР ССВ, маҳаллий фармацевтика корхоналарига арзон, самарали дори воситаларини ишлаб чиқариш ҳамда таъминлаш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

иккинчи тип қандли диабет касаллигининг таснифи, этиологияси, патогенезини ўрганиш. Иккинчи тип қандли диабет касаллигини ташхислаш усуллари, даволаш мезонлари ва диабетга қарши замонавий дори воситалари номенклатурасини таҳлил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси минтақавий-худудларида иккинчи тип қандли диабет касаллигининг тарқалиш ва касалланиш кўрсаткичларини таҳлил қилиш, касалликни даволашда қўлланадиган дори воситаларининг савдо ҳажми, таъминот ҳолатлари маълумотларини аниқлаш;

иккинчи тип қандли диабет касаллигини даволашда фойдаланиладиган диабетга қарши перорал дори воситалари ва инсулин сақлаган дори воситалари гуруҳига кирган дори воситалари ассортиментини таҳлил қилиш; диабетга қарши перорал дори воситаларининг халқаро патентланмаган номи ва савдо номлари бўйича чакана нархларини қиёсий таҳлил этиш;

АТС/DDD-услугияти ёрдамида касалликни даволашда қўлланадиган дори воситаларининг истеъмол кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

касалликни даволашда қўлланадиган дори воситаларининг умумий савдо ҳажми айланмаси ва ўрам миқдор кўрсаткичларини прогноз қилиш;

иккинчи тип қандли диабет касаллигини даволашда қўлланадиган самарали дори воситаларини аниқлаш учун фармакоиктисодий таҳлиллар

ўтказиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида иккинчи тип қандли диабет ташҳиси қўйилган беморлар касаллик тарихи варақалари, фармацевтика бозори субъектлари, касалликнинг тарқалиши, дори воситаларининг чакана нархлари ҳамда диабетга қарши перорал ва инсулин сақлаган дори воситалари ассортиментларига оид маълумотлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** Ўзбекистон Республикаси фармацевтика бозоридаги иккинчи тип қандли диабет ҳасталиги билан касалланган беморларни даволашда қўлланадиган дори воситаларининг ассортименти, савдо ҳажми, таъминот ва прогноз кўрсаткичларини ўрганиш ва дори воситаларидан оқилона фойдаланишни ташкил қилишни фармакоиқтисодий таҳлил усуллари ёрдамида амалга ошириш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотларда фармакоиқтисодий таҳлил усулларидан («касаллик қиймати» ва «харажатлар самарадорлиги»), контент-таҳлил, АТС/DDD, эконометрик ва бошқа замонавий таҳлил усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

дори-дармон воситаларидан оқилона ва самарасиз фойдаланишнинг муқобил мезонлари, касалликни дори воситалари билан даволашнинг асосий тамоиллари, номенклатураси ҳамда уларни фармакоиқтисодий баҳолашнинг самарадорлигини асослашга йўналтирилган кўрсаткичлари аниқланган ва шакллантирилган;

иккинчи тип қандли диабет касаллигининг республика маъмурий-ҳудудий минтақалари бўйича касалланиш ва тарқалиш кўрсаткичлари ҳамда дори воситаларининг ассортименти контент-таҳлил қилинган;

иккинчи тип қандли диабет касаллигини даволашда қўлланадиган дори воситаларининг истеъмол ҳолатини бир суткада 1000 аҳолига нисбатан DDD ўртача суткалик қўллаб қувватловчи дозаси ҳисоблаб топилган;

дори воситаларининг фармацевтика бозоридаги қиёсий чакана нархлари, савдо ҳажми ҳамда таъминот ҳолати натижаларини ўзига хос томонларини мақсадга мувофиқлиги асосланган;

диабетга қарши перорал дори воситаларининг савдо ҳажми айланмаси ва ўрамлар миқдори бўйича прогноз кўрсаткичлари аниқланган;

илк бор, таклиф ҳамда тавсияларга асосан, иккинчи тип қандли диабет касаллигини даволашда кенг қўлланадиган импорт ўрнини босувчи диабетга қарши маҳаллий дори воситаси тиббиёт амалиётига жорий қилинган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси.** Ўзбекистон Республикасида иккинчи тип қандли диабет касаллиги билан касалланиш динамикаси комплекс таҳлил қилиниб, уни даволашда гипергликемияга қарши воситаларни, ҳусусан, диабетга қарши перорал дори воситалари ва инсулин сақлаган дори воситаларини қўллаш ҳамда тайинлаш мезонлари асосланган;

иккинчи тип қандли диабет касаллигини даволашда қўлланадиган дори воситаларининг ассортименти тўлиқ таҳлил қилиниб, маҳаллий фармацевтика бозорида халқаро патентланмаган номи глимепирид ва

метформин гидрохлорид бўлган дори воситаларига талаб юқорилиги аниқланди;

АТС/DDD-услугиятини қўллаган ҳолда дори воситаларининг истеъмол кўрсаткичлари аниқланди, беморларда дори воситаларидан фойдаланиш масаласи ёритиб берилди;

маъмурий-худудий даражада иккинчи тип қандли диабет ташҳиси билан касалланиш ошиб бораётганлиги аниқланиб, Ўзбекистон Республикаси бўйича 2020 йилга қадар диабетга қарши перорал дори воситаларига бўлган талаб шакллантирилди ва уларга бўлган эҳтиёжнинг прогнози ҳисоблаб чиқилди;

маҳаллий фармацевтика бозорида юқори иқтисодий кўрсаткичга эга ва касалликни даволашда кенг қўлланадиган дори воситалари ўртасида фармакоиктисодий таҳлиллар ўтказилиб, арзон ҳамда самарали дори воситаси аниқланди ва мазкур дори воситаларини ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар тайёрланди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда олинган натижалар замонавий статистик, контент-таҳлил, фармакоиктисодий, DDD-таҳлил, клиник кузатувлар, статистик маълумотларни замонавий ахборот-компьютер технологиялари ёрдамида интеллектуал таҳлил усуллари асосида қайта ишланиши билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти назарий жиҳатдан иккинчи тип қандли диабет касаллигида қўлланадиган дори воситалари ассортиментининг импорт ҳисобига кенгайиши, халқаро патентланмаган номи, дори шакли ва дозаси бир хил бўлган дори воситаларининг нархлари орасидаги фарқлар салмоқли эканлиги аниқланди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти берилган таклиф ва тавсиялар асосида ҳамда касалликка чалинган беморларнинг дори воситаларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида, дори воситаларидан оқилона фойдаланиш ва харид қилиш имкониятларини яхшилаш, республиканинг иккинчи тип қандли диабет касаллигини даволашда фойдаланадиган дори воситаларига сарфланадиган валюта харажатларини тежаш мақсадида илк бор, Ўзбекистон-Буюк Британия кўшма корхонаси «Remedy Group» МЧЖ билан ҳамкорликда, Проксимин-RG қобиқланган таблеткаси тиббиёт амалиётига жорий қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

дори-дармон воситаларининг савдо ҳажми, таъминоти, диабетга қарши перорал дори воситалари чакана нархларининг қиёсий таҳлили натижалари, савдо ҳажми айланмаси ва ўрам миқдор кўрсаткичларининг прогноз ҳолати ва АТС/DDD-услугияти ёрдамида аниқланган истеъмоли таҳлилларига оид диссертация иши натижалари асосида:

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 11 январдаги 28-сон буйруғи билан тасдиқланган «Асосий дори воситалари рўйхати»нинг иловасида келтирилган диабетга қарши ва инсулин сақлаган дори воситалари рўйхатларини тузишда фойдаланилди. (Дори воситалари ва тиббий техника

сифатини назорат қилиш Бош бошқармасининг 2016 йил 26 декабрдаги 29/09-3695-сон маълумотномаси). Натижада мазкур рўйхатга киритилган дори воситалари тиббиёт ташкилотларида касалликларни даволаш учун сарфланадиган бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш имкониятини берган;

иккинчи тип қандли диабет касаллигини даволашда диабетга қарши дори воситаларидан оқилона фойдаланиш ва фармакоиктисодий баҳолаш натижалари Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг беморларига ташхис қўйиш, даволаш ва клиник протоколлари ва даволаш стандартларини тузишда қўлланилди. (Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг 2016 йил 30 ноябрдаги амалиётга жорий этиш тўғрисидаги маълумотномаси) Натижада клиник амалиётга Проксимин-RG маҳаллий диабетга қарши дори воситаси сифатида қўйиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертациянинг ҳажми 129 бетни ташкил этган.


## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Қандли диабет касаллиги ва дори воситаларидан оқилона фойдаланишнинг назарий-услубий асослари»** деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий адабиётлардан дори воситаларидан оқилона фойдаланишнинг асосий мезонлари ва кўрсаткичлари, дори воситаларидан самарасиз фойдаланиш кўрсаткичлари ва унинг асоратлари, дори воситаларидан оқилона фойдаланишда фармакоиктисодий

таҳлилларнинг тутган ўрни ва замонавий тиббиётда дори воситаларидан самарали фойдаланиш тамоиллари таҳлил қилинди.

Диссертациянинг «Қандли диабет касаллигининг тарқалиши ва уни даволашда қўлланадиган дори воситалари ассортименти ва чакана нархлари таҳлили» деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистон Республикаси минтақавий-ҳудудларида қандли диабет касаллигининг тарқалиши, касалланиш кўрсаткичлари ва дори воситалари ассортиментининг контент-таҳлил ва чакана нархларининг қиёсий таҳлили бўйича маълумотлари келтирилган.




**1-расм. Қандли диабет касаллигининг тарқалиш кўрсаткичи динамикаси**

ЎзР ССВ Саломатлик ва тиббиёт статистика институти томонидан расмий рўйхатга олинган қандли диабет касаллигининг статистик кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Ўзбекистон Республикасида қандли диабет касаллигига чалинган ва рўйхатдан ўтган беморлар сони 2007 йилда 113 692 нафар беморни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2015 йилга келиб, 181 151 нафар беморга етган. 2007-2015 йиллардаги касалликнинг ўсиш кўрсаткичи 59,3% ни ташкил этди. Республикамизда қандли диабет касаллиги билан оғриган беморлар сонининг ўртача 89,0%ни иккинчи тип қандли диабет касаллигига чалинган беморлар ташкил қилди. 2015 йилда иккинчи тип қандли диабет касаллиги билан рўйхатдан ўтган беморлар сони 2007-2015 йиллардаги энг юқори кўрсаткич сифатида 161 372 нафар беморни ташкил этди. 2007 йилдан мазкур йилгача ўсиш кўрсаткичи 73,5% ташкил этиши ачинарли ҳолдир.

Ўзбекистон Республикаси бўйича касалликнинг (100 минг аҳолига нисбатан) ўсиш кўрсаткичи 2007-2015 йилларда 49,0%ни ташкил этди. Тошкент шаҳри касалликнинг энг кенг тарқалган ҳудуди сифатида аниқланиб, 100 минг аҳолига нисбатан 1116,4 кўрсаткични кўрсатди. 2007-2015 йиллар оралиғида Тошкент шаҳри аҳолиси ўртасида иккинчи тип қандли диабет касаллиги билан оғриган беморлар сони 39,1 %га ошган.

**Диабетга қарши перорал дори воситалари ассортиментининг таҳлили.** 2007 йил 11-сонли «Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари» Давлат

Реестрида диабетга қарши перорал дори воситалари сони умумий кўрсаткичда савдо номи, дори тури ва шаклини инобатга олган ҳолда 50 та дори воситалари ассортиментини ташкил этган бўлса, 2015 йилга келиб бу кўрсаткич 186 та дори воситасига етди. 2008 йилдан 2015 йилгача дори воситалари ассортименти 3,8 баробарга ошди. Умумий кўрсаткичларда хорижий фармацевтика корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган ва республикамизда қайд этилган дори воситалари ассортименти сони етакчилик қилмоқда. 2007 йилда бу сон 40 та дори воситасини ташкил этган бўлса, 2015 йилга келиб, бу кўрсаткич 159 та ўрам миқдор кўрсаткичига етган.



## 2-расм. Иккинчи тип қандли диабет касаллигида қўлланадиган диабетга қарши перорал дори воситалари ассортименти таҳлили

**Иккинчи тип қандли диабет касаллигини даволашда қўлланадиган дори воситаларининг чакана нархлари таҳлили.** Хозирги кунда фармацевтика бозорида бир фармакотерапевтик гуруҳга кирган дори шакли, дозаси ва халқаро патентланмаган номи бир хил ҳамда савдо номлари ҳар хил бўлган дори воситалари турли хил чакана нархларда сотилмоқда. Шунининнобатга олиш керакки, иккинчи тип қандли диабет касаллиги сурункали касаллик бўлиб, беморлар дори воситаларини узоқ муддат қабул қиладилар, шунининг учун даволаш-профилактика муассасалари ва аҳоли учун энг арзон дори воситаларини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Халқаро номи метформин гидрохлорид бўлган дори воситаларининг чакана нархлари таҳлили бўйича маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.

Ушбу маълумотларда савдо номи билан 8 та дори воситаси, 6 та хорижий фармацевтика ишлаб чиқарувчи корхонадан ва 5 хил давлатдан етказиб бериладиган дори воситалари ассортименти келтирилган. Мазкур биологик фаол субстанцияни сақлаган дори-дармонлар валюта ҳисобига Украина, Франция, Германия, Ҳиндистон ва Туркия каби хорижий мамлакатлардан сотиб олинади.

**Халқаро номи метформин гидрохлорид бўлган  
дори воситаларининг чакана нархлари**

№	Савдо номи	Ишлаб чиқарувчи корхона ва давлат	Дори шакли	Чакана нархи, сўмда
<b>500 мг №30</b>				
1	Глюкофаж	Merck Santes.a.s., Франция	плёнка қобик билан копланган таблетка	11900
2	Инсуфор	IlcoIlacSan.ve Tic. A.S., Туркия	плёнка қобик билан копланган таблетка	15900
3	Метфогамма	Dragenopharm Apotheker Puschl GmbH & Co. KG, Германия	плёнка қобик билан копланган таблетка	19000
4	Диаформин	Фармак ОАО, Украина	таблетка	7350
<b>500 мг №60</b>				
5	Глюкофаж	Merck Santes.a.s., Франция	плёнка қобик билан копланган таблетка	24000
6	Сиофор	Berlin-Chemie AG, Германия	қобик билан копланган таблетка	17000
<b>500 мг №100</b>				
7	Панфор	Inventia Healthcare Pvt. Ltd., Ҳиндистон	таблетка	52500
<b>500 мг №120</b>				
8	Метфогамма	Dragenopharm Apotheker Puschl GmbH & Co. KG, Германия	плёнка қобик билан копланган таблетка	47400

Таркибида 500 мг ва 30 дона таблетка шаклини сақлаган дори воситасининг энг юқори чакана нархи Метфогамма плёнка қобик билан копланган таблетка, ишлаб чиқарувчи корхона «Dragenopharm Apotheker Puschl GmbH&Co. KG», Германия бўлган дори воситасида кузатилди ҳамда 19 000 сўмни ташкил қилди. Украинанинг «Фармак» ОАК корхонасининг маҳсулоти бўлган Диаформин таблекасининг чакана нархи 7 350 сўмни ташкил этди. Ҳар иккала дори воситалари нархларининг ўртасидаги тафовут 2,5 барабардан ортиқлиги сезирарли кўрсаткичдир.

Диссертациянинг «**Дори воситаларини савдо ҳажми, таъминот, истеъмол ва прогноз кўрсаткичларининг таҳлили**» деб номланган учинчи бобида иккинчи тип қандли диабет касаллигини даволашда фойдаланадиган диабетга қарши перорал дори воситаларининг 2007-2015 йиллардаги савдо ҳажми, таъминот кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Истеъмол кўрсаткичлари ЖССТ тавсия этган АТС/DDD-услугияти ёрдамида аниқланди ҳамда диабетга қарши перорал дори воситаларининг умумий савдо ҳажми айланмаси ва ўрам миқдор кўрсаткичлари прогноз қилинди.

**Диабетга қарши перорал дори воситаларининг савдо ҳажми ва таъминот ҳолатининг таҳлили.** Деярли барча иккинчи тип қандли диабет касаллигини даволашда қўлланадиган дори воситалари хориж ва МДХ давлатларидан валюта ҳисобига сотиб олинади ва маҳаллий фармацевтика

бозорида савдо жараёнлари амалга оширилади. Шунини инобатга олган ҳолда дори воситаларининг савдо ҳажми ва таъминот кўрсаткичларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Диабетга қарши перорал дори воситаларининг 2007-2015 йиллар оралиғида умумий савдо ҳажми айланмаси кўрсаткичи 2,7 баробарга, хорижий давлатлар дори воситаларининг таъминот ҳолати 2,5 баробарга ошгани ва маҳаллий фармацевтика маҳсулотларининг 2014-2015 йилларда умуман ишлаб чиқарилмаганлиги сезирарли кўрсаткичдир.

2007-2015 йиллар оралиғида энг юқори кўрсаткич 2013 йилда кузатилди ва 7 399 636,02 АҚШ доллари миқдорида савдо ҳажмини ташкил қилди. 2012 йилга нисбатан бу кўрсаткич 1 975 628,05 АҚШ долларига кўпдир. Ушбу йилда умумий савдо ҳажми 90,8% хорижий, 8,8% МДХ давлатлари ва 0,9% маҳаллий дори воситаларини ҳисобига таъминланган. Хориждан келтириладиган диабетга қарши перорал дори воситаларининг умумий савдо айланмасидаги улуши 2007-2015 йиллар мобайнида 90% кам бўлмаганлиги юқори кўрсаткичдир.

Савдо ҳажми айланмаси кўрсаткичларидан ташқари ўрам миқдор ва диабетга қарши перорал дори воситалари савдоси билан шуғулланган дистрибьюторлар фаолияти таҳлили ҳам амалга оширилди. Биргина 2015 йилда дори воситалари умумий 515 642 ўрам миқдорда фармацевтика бозорга олиб кирилган ва умумий кўрсаткичга нисбатан халқаро номи бўйича метформин гидрохлорид сақлаган дори воситалари етакчилик қилиб, 239 065 ўрам миқдори ташкил этган. Етакчиликни дистрибьютор сифатида республикадаги барча ҳудудий бўлинмалари билан биргаликда «Дори-дармон» АК эгаллади. Умумий савдо ҳажмига нисбатан улуши 39,4 %ни ёки 1 438 103,16 АҚШ долларни ташкил этди.

Дори воситаларидан оқилона фойдаланиш кўрсаткичларини аниқлашда истеъмол ҳолати таҳлили натижалари бекиёсдир. Таҳлилда диабетга қарши перорал дори воситаларининг истеъмол кўрсаткичлари ЖССТ тавсия этган АТС/DDD услубиятининг бир суткада 1000 аҳолига нисбатан DDD усули ёрдамида аниқланди.

DDD аниқлашда қўйидаги формуладан фойдаланилди:

$$\text{Бир суткада 1000 аҳолига нисбатан DDD} = \frac{\sum \text{ДВ}_{\text{мг}} \times 1000}{\text{DDD}_{\text{WHO}} \times A_c \times 365};$$

Бу ерда,

$\sum \text{ДВ}_{\text{мг}}$  - Бир йилда қўлланилган дори воситаси, мг да ;

$\text{DDD}_{\text{WHO}}$  - ЖССТ тавсия этган дори воситасининг белгиланган суткалик дозаси;

$A_c$  - Республика аҳолисининг сони;

365 - йилдаги кунлар сони.

**Диабетга қарши перорал дори воситалари истеъмол ҳолатининг таҳлили.** Дори воситалари DDD кўрсаткичини аниқлашда халқаро номи метформин гидрохлорид, глимепирид, глибенкламид ва гликлазид бўлган дори воситаларининг истеъмол кўрсаткичлари ҳисоблаб топилган. Диабетга

қарши перорал дори воситалари орасида метформин гидрохлорид сақлаган дори воситалари истеъмол ҳолати энг юқори ва салмоқли эканлиги ҳисоблаб топилди (3-расм).



**3-расм. Метформин гидрохлорид сақлаган дори воситалари истеъмоли кўрсаткичининг DDD таҳлили динамикаси**


2007 йилдан 2015 йилгача дори воситаларининг истеъмоли барқарор ўсиб борган ва 0,101 DDDдан 0,412 DDDни ташкил этди. Юқори кўрсаткич 2013 йилда аниқланган бўлиб, 0,630 DDDни ташкил қилган. Плёнка қобиқ билан қопланган Глюкофаж таблеткалари, ишлаб чиқарувчи корхона «Merck Sante s.a.s.», Германия бўлган дори воситаси 2013 йилга энг юқори DDD кўрсаткичига тўғри келган бўлиб 0,119 DDDни ва Германиянинг «Berlin-Chemie AG» (Menarini Group) маҳсулоти Сиофор қобиқли таблеткаси ҳам энг юқори истеъмол кўрсаткичи 2013 йилда кузатилган бўлиб, бир суткада 1000 аҳолига нисбатан 0,380 DDDга тўғри келган.

**Дори воситаларининг савдо ҳажми айланмаси ва ўрамлар миқдор кўрсаткичларининг прогнози.** Қандли диабет касаллигини даволашда қўлланадиган диабетга қарши перорал дори воситаларининг умумий савдо ҳажми айланмаси ва ўрамлар миқдор кўрсаткичларини прогноз қилиш ҳамда эконометрик таҳлил ўтказиш учун 2007-2015 йиллар оралиғида қандли диабет касаллигини ЎЗР минтақавий ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳоли ўртасида тарқалиш ва касалланиш кўрсаткичлари ҳамда 2007-2015 йиллардаги мазкур касалликни даволашда қўлланадиган диабетга қарши перорал дори воситаларининг савдо ҳажми ва таъминот ҳолати маълумотлари асос қилиб олинди.

2016-2018 йилларда мавжуд тенденциянинг қандай ҳолатларда бўлишини эконометрик моделлар тузиш орқали баҳолаш амалга оширилиб, бунинг учун мавжуд вазиятни индекс усули ёрдамида ифодалаш аниқроқ хулоса қилиш имкониятини бериши инобатга олинди. (прогнозлаш Тошкент давлат иқтисодиёт университети корпоратив бошқарув кафедраси доценти, и.ф.н. Н.Т.Ўрмонов билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган).

Юқорида келтирилган маълумотларга қўшимча тарзда диабетга қарши перорал дори воситаларининг 2007-2015 йиллар оралиғида умумий савдо ҳажми айланмасининг асосий улушини таъминлаган ҳамда халқаро

патентланмаган номи бўйича тўрт турдаги, яъни глибенкламид, гликлазид, глимепирид ва метформин гидрохлорид субстанциясини сақлаган дори воситаларининг ўрам миқдор кўрсаткичлари ҳам танлаб олинди ва уларнинг прогнозлари ҳисоблаб чиқарилди.



Изоҳ: Пунктир чизиқлар прогноз ҳажмини ифодалайди.

#### 4-расм. Перорал диабетга қарши дори воситалари савдо ҳажми айланмасининг ўрамлар миқдори бўйича прогноз кўрсаткичлари

Халқаро патентланмаган номи бўйича ҳамда дори тури, шакли ва дозасини инобатга олган ҳолда ўз таркибида Глибенкламид субстанциясини сақлаган дори воситаларининг 2020 йилгача истеъмол кўрсаткичи бўйича талаб камайиши аниқланди. Бунга асосий сабаб сифатида, мазкур халқаро номдаги дори воситаларининг дори шакли ва дозаси қолган халқаро номдаги дори воситалари билан кўп компонентли (таркибли) замонавий дори шаклларига талаб ошганини кўрсатса бўлади. Гликлазид ва глимепирид сақлаган дори воситаларининг савдо ҳажми айланмаси ўрам миқдор кўрсаткичи бўйича 2015 йилга нисбатан 2020 йилга келиб 18 баробарга ошиши прогноз қилинмоқда. Халқаро номи метформин гидрохлорид бўлган дори воситаларининг ўрамдаги миқдор кўрсаткичи прогноз қилинганда, 2015 йилга нисбатан 2020 йилга келиб, 25 баробарга ошиши прогноз қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикасида иккинчи тип қандли диабет касаллигини даволашда фойдаланадиган дори воситаларига сарфланадиган бюджет маблағларини тежаш, савдо ҳажми, таъминот, истеъмол, прогноз ҳолати кўрсаткичи юқори ва тан нархи қиммат бўлган импорт ўрнини босувчи халқаро патентланманган номи метформин гидрохлорид бўлган дори воситаларини ишлаб чиқариш ва маҳаллий фармацевтика бозорига ҳамда тиббиёт амалиётига жорий қилиш бўйича таклиф ва тавсиялар тақдим этилди.

Диссертациянинг «Дори воситаларининг фармакоиктисодий кўрсаткичларини аниқлаш» деб номланган тўртинчи боби Сиофор ва

Проксимин-RG қобиқланган таблеткаларининг фармакоиктисодий кўрсаткичлари таҳлилига бағишланган.

**Сиофор ва Проксимин-RG дори воситаларининг фармакоиктисодий таҳлиллари.** Иккинчи тип қандли диабет касаллигини даволашнинг асосий мақсади - мазкур касалликни сурункали ривожлаши ва касалликнинг асоратларини олдини олишдир. Хозирги кунгача республикамызда иккинчи тип қандли диабет касаллигини даволашда қўлланадиган дори воситалари бўйича фармакоиктисодий тадқиқотлар ўтказилмаган.

Дори воситаларининг иқтисодий тежамкорлик кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида қиёсий клиник кузатувлар Тошкент шаҳар эндокринологик диспансерида ўтказилди (клиник кузатувлар шифокор-эндокринологлар Е.Ф. Павлова ва Е.Н. Панишевлар билан ҳамкорликда олиб борилди). Клиник кузатувларда иккинчи тип қандли диабет касаллигини даволашга таклиф этилаётган Проксимин-RG 500 мг қобиқланган таблеткалари ҳамда маҳаллий фармацевтика бозоридаги мазкур касалликни даволашда кенг қўлланадиган Сиофор 500 мг қобиқланган таблеткалари (Berlin-Chemie AG, Германия) билан таққосланган.

Биринчи гуруҳди иккинчи тип қандли диабет касаллиги билан оғриган 34 ёшдан 61 ёшгача бўлган 20 нафар бемор (11 та аёл ва 9 та эркак) кузатув остига олинган. Ушбу гуруҳдаги беморларга Сиофор 500 мг қобиқланган таблеткаларини максимал самарали дозагача тавсия этилди (суткалик доза 500 мг дан 1500 мг гача).

Иккинчи гуруҳда ҳам мазкур касалликга чалинган 41 ёшдан 61 ёшгача бўлган 20 нафар бемор (12 та аёл ва 8 та эркак) кузатув остига олинган. Бу гуруҳдаги беморларга Проксимин-RG 500 мг қобиқланган таблеткаларини максимал самарали дозага эришгунча қабул қилинди (суткалик доза 500 мг дан 1500 мг гача). Ҳар иккала гуруҳдаги беморларда диспансерда 90 кун давомида амбулатор даволаниш олиб борилди. Гуруҳлардаги беморларнинг жинси, ёши ва касаллик ташҳиси мос келди. Дори воситаларининг клиник самарадорлиги юқори баҳога эга бўлди. Фармакоиктисодий таҳлилларнинг асосий кўрсаткичларидан бири бу касалликнинг даволаниш харажатлари (даволаниш муддати харажатларини) таҳлил қилишдир. Олиб борилган тадқиқотда даволаш харажатларини аниқлаш учун фармакоиктисодий таҳлилнинг: «касаллик қиймати» ва «харажатлар самарадорлиги» усулларида фойдаланилди.

Касаллик қиймати усули бўйича харажатлар қийматини аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланилди:

$$COI = DC + IC,$$

бу ерда;

COI - касалликнинг умумий қиймати (нархи);

DC - бевосита харажатлар;

IC - билвосита харажатлар.

Проксимин-RG билан даволаш харажатлари қуйидагиларни ташкил этди:

$$COI = DC + IC = 58\,400 + 30\,500 = 88\,900 \text{ сўм.}$$

Сиофор билан даволаш харажатлари эса қуйидагига тенг бўлди:

$$COI = DC + IC = 73\,200 + 30\,500 = 103\,700 \text{ сўм.}$$

Иқтисодий самарадорлик «харажатлар самарадорлиги» таҳлили усулидан фойдаланиб аниқланди. Харажат самарадорлик нисбати ҳар бир альтернатив даволаш схемаси учун  $CEA = (DC_1 + IC_1) - (DC_2 + IC_2) / Ef_1 - Ef_2$  формуласи бўйича ҳисобланди.

Бу ерда, CEA - харажат самарадорлик нисбати (ҳар бирлик самарага мос келувчи харажатларни кўрсатади);

DC<sub>1</sub> - биринчи усулда қўлланаётган бевосита харажатлар;

IC<sub>1</sub> - биринчи усулда қўлланаётган билвосита харажатлар;

DC<sub>2</sub> - иккинчи усулда қўлланаётган бевосита харажатлар;

IC<sub>2</sub> - иккинчи даволаш усулидаги билвосита харажатлар;

Ef<sub>1</sub> ва Ef<sub>2</sub>, - мос равишда биринчи ва иккинчи усулларда қўлланаётган даволаш.

Бу ерда,  $CEA = (73\,200 + 30\,500) - (58\,400 + 30\,500) = 14\,800$  сўмни ташкил этди.

Демак, Проксимин-RG дори воситаси билан даволаш иқтисодий жиҳатдан фойдалидир ҳамда бир беморга иқтисодий тежамкорлик 14 800 сўмни ташкил қилди. Проксимин-RG ва Сиофор дори воситаларининг иқтисодий самарадорлигини қиёслаш натижасида Проксимин-RG устунликка эга эканлиги маълум бўлди. Чунончи, биринчи гуруҳдаги беморларнинг бевосита харажатлари ўртача 58 400 сўм, билвосита харажатлари 30 500 сўмни ташкил этди. Иккинчи гуруҳда бу кўрсаткичлар мос равишда 73 200 ва 30 500 сўмга тенг бўлди. Проксимин-RG қабул қилган иккинчи гуруҳ (Ef2) беморлардаги иқтисодий самарадорлик биринчи гуруҳдаги (Ef1) беморларга нисбатан бирмунча юқори.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига асосланган ҳолда, Проксимин-RG 500 мг қобиқли таблеткалари Сиофор 500 мг қобиқли таблеткаларига нисбатан ҳамёнбоп бўлиб, самарадорлиги жиҳатидан ушбу препаратдан қолишмади.

**Иловада** статистик маълумотларни қайта ишланган вариантларига оид маълумотлар, илмий иш янгиликларини амалиётда қўллашга доир тегишли далолатномалар келтирилган.

## ХУЛОСАЛАР

1. Фармакоиқтисодий изланишларни ўрганиш ва дори-дармон воситаларидан оқилона фойдаланиш фармакоиқтисодий баҳолашнинг замонавий воситалари ҳамда мазкур баҳолаш кетма-кетлигининг ўзига хос хусусиятлари аниқланди. Республикамизда фармакоиқтисодий ва клиник-иқтисодий таҳлиллар ўтказиш ҳамда изланишлар натижасида олинган маълумотларни амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

2. Тадқиқот жараёнида контент-таҳлил услубиятини қўллаш иккинчи тип қандли диабет билан касалланган беморларда қўллашга рухсат этилган

перорал ва инсулин сақлаган диабетга қарши дори воситалари ассортиментини тўлиқ тавсифига эга бўлиш имкониятини берди.

3. Иккинчи тип қандли диабет касаллигини даволаш методлари ва стандартларини ишлаб чиқишда нафақат хорижий дори воситаларининг клиник самарадорлиги натижаларидан ташқари, мазкур препаратларнинг маҳаллий фармацевтика бозоридаги генериклари, истеъмол, таъминот ҳолати, қиёсий нархлари ва номенклатураси таҳлили ҳамда фармакоиктисодий тадқиқотлар самарадорлиги билан баҳолаш тавсия қилинди.

4. Илк бор, Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан дори воситаларининг истеъмол кўрсаткичларини аниқлашда тавсия этилган АТС/DDD-услугияти ёрдамида иккинчи тип қандли диабет касаллигини даволашда қўлланадиган дори воситаларининг истеъмол кўрсаткичлари бўйича тасаввурга эга бўлиш имконини берди. Улгуржи ва чакана савдо тармоғида савдо ҳажми айланмаси ва ўрам миқдор кўрсаткичлари бўйича халқаро патентланмаган номи метформин гидрохлорид бўлган дори воситаларига катта талаб борлигини кўрсатган.

5. Диссертация иши натижалари бўйича берилган таклиф ва тавсиялар асосида ҳамда касалликка чалинган беморлар эҳтиёжини қондириш учун дори воситаларидан оқилона фойдаланиш ва харид қилиш имкониятларини яхшилаш, республиканинг иккинчи тип қандли диабет касаллигини даволашда фойдаланадиган дори воситаларига сарфланадиган валюта харажатларини тежаш мақсадида илк бор, Ўзбекистон-Буюк Британия Кўшма корхонаси «Remedy Group» МЧЖ билан ҳамкорликда, Проксимин-RG қобиқланган таблеткаси тиббиёт амалиётига жорий қилинган.

6. Олиб борилган фармакоиктисодий кузатувларга кўра, Проксимин-RG дори воситаси билан иккинчи тип қандли диабет касаллигини даволаш импорт бўйича сотиб олинадиган Сиофор дори воситаси билан биологик эквивалент бўлиб, касалликга чалинган бир бемор учун Проксимин-RG дори воситаси билан даволашда иқтисодий тежамкорлик кўрсаткичи 14 800 сўмни ташкил қилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC.27.06.2017.FAR.32.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**АРИПОВ ШУХРАТ ТУЛКИНОВИЧ**

**ФАРМАКОЭКОНОМИЧЕСКИЙ ПОДХОД К РАЦИОНАЛЬНОМУ  
ИСПОЛЬЗОВАНИЮ ЛЕКАРСТВЕННЫХ СРЕДСТВ,  
ПРИМЕНЯЕМЫХ ПРИ САХАРНОМ ДИАБЕТЕ ВТОРОГО ТИПА**

**15.00.01 - технология лекарств и организация фармацевтического дела**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИХ НАУК (PhD)**

**Ташкент - 2017**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.1.PhD/Far1.**

Диссертация выполнена в Ташкентском фармацевтическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.pharmi.uz](http://www.pharmi.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу: [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz).

**Научный руководитель:** **Зайнутдинов Хикматулла Суннатович**  
доктор фармацевтических наук, профессор

**Официальные  
оппоненты:** **Искандарова Шохиста Фехрузовна**  
доктор фармацевтических наук, доцент

**Насритдинова Мухтабар Азизовна**  
доктор экономических наук, профессор

**Ведущая организация:** **Главное управления по контролю качества  
лекарственных средств и медицинской техники**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 года в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Far.32.01 при Ташкентском фармацевтическом институте (Адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38; факс: (+99871) 256-45-04; e-mail: [pharmi@pharmi.uz](mailto:pharmi@pharmi.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского фармацевтического института (регистрационный номер \_\_ ). Адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 года.

(Реестр протокола рассылки №\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 года).

**Х.К. Джалилов**

Председатель научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
д.фарм.н., профессор

**Р.Т. Туляганов**

Ученый секретарь научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
д.б.н., доцент

**С.Н. Аминов**

Председатель научного семинара  
при научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.х.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Сахарный диабет является широко распространенным хроническим заболеванием и одной из серьезных проблем системы здравоохранения всего мира. Во всем мире наблюдается резкий рост количества больных, страдающих сахарным диабетом второго типа. «Ежегодно заболевание становится причиной смерти примерно 1,5 миллионов больных - это больше чем от заболеваний СПИДом, диареей, хронической сердечной недостаточностью»<sup>1</sup>.

В годы независимости осуществляется ряд важных работ, направленных на дальнейшее улучшение жизненного уровня нашего народа и, особенно, на лечение сахарного диабета и предупреждение этого заболевания. В связи с этим на сегодняшний день первостепенное значение приобретают правильное применение лекарственных средств для лечения больных, страдающих этим заболеванием, и рациональное использование бюджетных средств на лечение, а также налаживание производства лекарственных средств отечественными фармацевтическими предприятиями.

В настоящее время придается особое значение лечению сахарного диабета второго типа пероральными сахароснижающими лекарственными средствами, содержащими метформина гидрохлорид. Именно поэтому в то время, когда осуществляется ряд важных задач по лечению и профилактике заболевания, проведение фармакоэкономического анализа, направленного на поставку населению отечественных не дорогих, эффективных и качественных лекарственных средств и их рациональное использование, стало одной из актуальных задач.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Постановлением Президента Республики Узбекистан №ПП-2773 от 14 февраля 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию порядка реализации лекарственных средств и изделий медицинского назначения, лицензирования фармацевтической деятельности», №ПП-2647 от 31 октября 2016 года «О мерах по дальнейшему улучшению обеспечения населения лекарственными средствами и изделиями медицинского назначения», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

**Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики «VI. Медицина и фармакология».

**Степень изученности проблемы.** Научные работы Зайнутдинова Х.С., Умаровой Ш.З., Алиева С.У., Суюнова Н.Д. играют особую роль в рациональном использовании лекарственных средств и проведении фармакоэкономического анализа в Республике Узбекистан.

Наряду с этим большое значение имеют исследования таких ученых как

---

<sup>1</sup>Информационный бюллетень Всемирной организации здравоохранения.2014/5.

Аминов С.Н., Шабилалов А.А., Юнусходжаев А.Н. по созданию лекарственных средств для лечения сахарного диабета на основе местного натурального и синтетического сырья.

В мировом масштабе научные исследования по рациональному использованию лекарственных средств, применяемых при лечении сахарного диабета, и осуществлению фармакоэкономического анализа проводятся J. Stauffer, R. Ball, L. Benveniste, P. Montuschi, R. Smarta, E. Fenwick, J. Darba, E. Stolk, S. Garattini, P. Hall, L. Shi, A. Hisashige. В Российской Федерации Пальцевым М.А., Ягудиной Р.И., Балаболкиным М.И., Свистуновым А.А., Куликовым А.Ю., Недосуговой Л.В., Рудаковой А.В.

**Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация.** Диссертационная работа выполнена в соответствии с планом научно-исследовательских работ Ташкентского фармацевтического института IV. «Маркетинг и фармакоэкономический анализ лекарственных средств и изделий медицинского назначения, зарегистрированных в Узбекистане».

